



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**  
**БУЙРУҒИ**

2021 йил “31” март

№ 237

Тошкент ш.

**Ўқув-услубий хужжатларни тасдиқлаш, келишувга киритиш ҳамда ўқув адабиётларини нашр этишга тавсия бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ - 6079 - сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ - 3775 - сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги “Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”ги 816 - сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда вазирлик ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил 21 майдаги 2 - сонли мажлис баёни қарорига мувофиқ

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 24 мартдаги 1122м-сонли топшириғига мувофиқ Қуролли Кучлар академияси бакалавриат таълим йўналишларининг “Диншунослик” ва “Диний ақидапарастлик, экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари” фан дастур(силлабус)лари;

Самарқанд ветеринария медицинаси институти профессор-ўқитувчилари томонидан 5320500-Биотехнология (ветеринария, чорвачилик, доривор ва озуқабоп ўсимликлар) бакалавриат таълим йўналиши ва 5А411401 - Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашнинг анъанавий ва инновацион технологияси ва сертификацияси магистратура мутахассислиги бўйича ишлаб чиқилган ўқув режалари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 апрелдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг шўрини ювиш ишларини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 190-сон қарорининг 6-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб “Қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланиш технологиялари” ва “Шўр ювиш технологиялари” фанлари киритиладиган тегишли таълим йўналишларининг ўқув режалари;

Қўқон университети профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган 5210203 - Психология (амалий психология), 5330500 - Компьютер инжиниринги бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режа ва фан дастур(силлабус)лари;

Самарқанд ветеринария медицинаси институти томонидан “5440100 - Ветеринария медицинаси” таълим йўналишининг ўқиш муддатини 5 йил этиб белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган 440000- Ветеринария таълим соҳасининг давлат таълим стандарти ва 5440100 - Ветеринария медицинаси бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режалари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 12 - 13 декабрь кунлари Хоразмга ташрифи давомида ўтказилган 98-сон мажлис баёнининг 86 - бандида юклатилган вазифани амалга ошириш мақсадида 5120300-Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича) бакалавриат йўналишининг ўқув режасига тарихий антрапологияни ўргатувчи фанларни киритган ҳолда Урганч давлат университети профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган мазкур йўналишнинг янгиланган малака талаби ва ўқув режаси;

Тошкент шаҳридаги Япония рақамли университети профессор-ўқитувчилари томонидан 5330200 - Мухандис дастурчи, 5330400 - Компьютер графикаси ва дизайн бакалавриат йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари тасдиқлаш ва келишув учун киритишга тавсия этилсин.

2. Мувофиқлаштирувчи кенгаш ўқув-услубий бирлашма ва комиссияларининг ижобий хулосаларига мувофиқ бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг фан дастур(силлабус)лари 1-иловадаги рўйхатга мувофиқ келишувга киритиш учун тавсия этилсин.

3. Хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилган икки томонлама диплом бериладиган (double degree) қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари, ўқув режалар ва фан дастур(силлабус)лари 2 - иловадаги рўйхатга мувофиқ тасдиқлаш ва келишув учун киритишга тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 январдаги 3 - сон қарорининг 6 - бандида белгиланган вазифа ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат иктисодиёт университети ва Тошкент молия институти профессор-ўқитувчилари томонидан таълим йўналишлари бўйича қайта ишлаб чиқилган ўқув режалари ва фан дастур(силлабус)лари 3 - иловадаги рўйхатга мувофиқ келишувга киритиш учун тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ - 5076 - сонли қарорининг 9 - бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси томонидан тақдим этилган “Олий ихтисослаштирилган таълим муассасаси тўғрисидаги Низом” 4 - иловага мувофиқ ўрнатилган тартибда Ички ишлар вазирлиги томонидан келишувга киритиш учун тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Collegium Humanum” Варшава менежмент университетининг Андижон филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги 2021 йил 14 апрелдаги 211 - сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Collegium Humanum” Варшава менежмент университети (Польша Республикаси) томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари талабларини инобатга олган ҳолда тасдиқланган ўқув режалари ва фан дастур(силлабус)лари 5 - иловага мувофиқ ўрнатилган тартибда келишувга киритиш учун тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 4623 - сон қарорининг 10 - бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат педагогика университетиде ташкил этилган Ишчи гуруҳлар томонидан “Педагогика” таълим соҳаси таркибидаги бакалаврият таълим йўналишлари бўйича қўшимча квалификация беришни назарда тутган ҳолда қайта ишлаб чиқилган малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастур(силлабус)лари 6 - иловадаги рўйхатга мувофиқ тасдиқлаш ва келишув учун киритишга тавсия этилсин.

8. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ўқув-услубий бирлашма ва комиссиялари томонидан ижобий хулоса берилган олий таълим муассасаларининг ўқув режаларидаги асосий фанлардан яратилган ўқув адабиётлари 7 - иловага, танлов ва қўшимча фанлардан яратилган ўқув адабиётлари 8 - иловага мувофиқ нашр этишга тавсия этилсин.

9. Махфий.

10. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази (З.Ҳакимов), Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси (С.Ниязбеков), таълим жараёнида фойдаланиладиган ўқув-услубий ҳужжатларни сифатли ва ўз вақтида тайёрлаш жараёнларини мувофиқлаштириш мақсадида Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси (А.Холиқов) билан келишган ҳолда Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ўқув-услубий бирлашма ва комиссиялари томонидан ижобий ҳулоса берилган:

малака талабларини тасдиқлаш, ўқув режа ва фан дастур(силлабус)ларини келишувга киритишни назорат қилиш;

тасдиқланган малака талаблари, келишувга киритилган ўқув режа ва фан дастур(силлабус)ларини белгиланган тартибда расмийлаштириш, тегишли таълим муассасаларига етказиш;

ўқув адабиётларининг нашр этишга тавсия берилганлиги тўғрисидаги нашр рухсатномаларини белгиланган тартибда расмийлаштириш ва тарқатиш ишларини ташкил этсин.

11. Ушбу буйруқнинг ижро назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир в.в.б



У.Бегимкулов

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазири ўринбосари

**У.Бегимкулов**

2021 йил



**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари  
бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи  
кенгаш мажлисининг  
2-сон БАЁНИ**

**ZOOM орқали**

**“21” май 2021 йил**

**Раислик қилувчи:** У.Бегимкулов – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари, Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси ўринбосари.

**Қатнашдилар:** Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси ўринбосари, аъзолари ҳамда кун тартибига алоқадор ўқув-услубий бирлашма ва ўқув-услубий комиссия раислари ҳамда олий таълим муассасалари масъуллари.

**КУН ТАРТИБИ**

1. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан ишлаб чиқилган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг фан дастур(силлабус)ларини келишувга киритиш тўғрисида.

**Масъул:** З.Хакимов - Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

**Маърузачи:** Ш.Садуллаева – Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ўқув ишлари бўйича проректори.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 13 ноябрдаги 591-сонли буйруғи 3-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университети профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган бакалаврият таълим йўналишларининг фан дастурларини келишувга киритиш тўғрисида.

**Масъул:** З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,

А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: С.Исломов – Тошкент давлат аграр университетининг ўқув ишлари бўйича проректори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбариятининг 2021 йил 24 мартдаги 1122м-сонли топшириғига мувофиқ Куролли Кучлар академияси бакалаврият таълим йўналишларининг “Диншунослик” ва “Диний ақидапарастлик, экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари” фан дастурларини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: Ш.Мамажонов – Куролли кучлар академияси бошлиғи.

4. Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган 5320500 - Биотехнология (ветеринария, чорвачилик, доривор ва озуқабоп ўсимликлар) бакалаврият таълим йўналиши ва 5А411401 - Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашнинг анъанавий ва инновацион технологияси ва сертификацияси магистратура мутахассислиги бўйича ўқув режалари ва фан дастур(силлабус)ларини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: А.Элмуродов – Самарқанд ветеринария медицинаси институти ўқув ишлари бўйича проректори.

5. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилган икки томонлама диплом бериладиган (double degree) қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган бакалаврият таълим йўналишларининг ўқув режаларини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари

ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: Б.Кулматов – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг ўқув ишлари бўйича проректори.

6. Навоий давлат кончилик институтининг хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилган икки томонлама диплом бериладиган (double degree) кўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг фан дастурларини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: Н.Абдуазизов – Навоий давлат кончилик институтининг ўқув ишлари бўйича проректори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 8 январдаги 3-сон қарорининг 6-бандида белгиланган “Педагогика ва молия иқтисод соҳаларидаги олий таълим муассасаларида бакалавриат таълим йўналиши бўйича ўқув режа ва фан дастурларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида иш юритишни ташкил этиш” топшириғи юзасидан Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институти профессор-ўқитувчилари томонидан таълим йўналишлари бўйича қайта ишлаб чиқилган ўқув режалари ва фан дастурларини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: Н.Х.Раҳмонқулова – Тошкент давлат педагогика университети ўқув ишлари бўйича проректори,  
М.Эшов – Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқув ишлари бўйича проректори,  
А.Тўйчиев – Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги

ПҚ-5076-сонли қарорининг 9-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси томонидан тақдим этилган “Олий ихтисослаштирилган таълим муассасаси тўғрисидаги Низом”ни маъқуллаш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: М.З.Зиядиллаев – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлигининг биринчи ўринбосари.

9. Қўқон давлат педагогика институтининг хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилган икки томонлама диплом бериладиган (double degree) кўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган бакалаврият таълим йўналишларининг ўқув режа ва фан дастурларини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: Н.Жўраев – Қўқон давлат педагогика институтининг ўқув ишлари бўйича проректори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Collegium Humanum” Варшава менежмент университетининг Андижон филиалини ташкил этиш тўғрисида”ги 2021 йил 14 апрелдаги 211 - сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Collegium Humanum” Варшава менежмент университети (Польша Республикаси) томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари талабларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув режалари ва фан дастурларини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: Э.Муйдинов – “Collegium Humanum” Варшава менежмент университети Андижон филиалининг ўқув ишлари бўйича проректори в.в.б..



11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 12-13 декабрь кунлари Хоразмга ташрифи давомида ўтказилган мажлис баёнининг 86 - бандида белгиланган вазифа ижросини таъминлаш мақсадида 5120300 - Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича) бакалаврият йўналишининг ўқув режасига тарихий антрапологияни ўргатувчи фанларни киритган ҳолда Урганч давлат университети профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган мазкур йўналишнинг янгиланган малака талабларини тасдиқлашга, ўқув режасини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: С.У.Ходжаниязов – Урганч давлат университети ўқув ишлари бўйича проректори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 декабрдаги “Тошкент шаҳрида Япония рақамли университетини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорнинг 4 - банди 2 - хатбошида белгиланган вазифаижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида Япония рақамли университети профессор-ўқитувчилари томонидан 5330200 - Муҳандис дастурчи, 5330400-Компьютер графикаси ва дизайн бакалаврият йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган малака талабларини тасдиқлашга, ўқув режалари ва фан дастурларини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: Р.Мамажонов – Тошкент шаҳрида Япония рақамли университети ректори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 апрелдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг шўрини ювиш ишларини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 190 - сон қарорининг 6 - банди ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти томонидан 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб “Қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланиш технологиялари” ва “Шўр ювиш технологиялари” фанлари киритиладиган тегишли таълим йўналишларининг ўқув режаларини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,

С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: Б.Худаяров – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг ўқув ишлари бўйича проректори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Фуқаро авиацияси корхоналарини трансформация қилиш ва қўллаб-қувватлаш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 5100 - сонли қарорининг 1 - иловаси билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 21 - бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат транспорт университети томонидан хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилган икки томонлама диплом бериладиган (double degree) қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган таълим йўналишининг малака талабларини тасдиқлаш, ўқув режалари ва фан дастурларини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: А.Гуламов – Тошкент давлат транспорт университети ўқув ишлари бўйича проректори.

15. Қарши давлат университетининг хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилган икки томонлама диплом бериладиган (double degree) қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликларининг малака талабларини тасдиқлаш, ўқув режа ва фан дастурларини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов - Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: А.Холмуродов – Қарши давлат университетининг ўқув ишлари бўйича проректори.

16. Тошкент кимё-технология институти профессор - ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган 5320500 – Биотехнология (озик-овқат, озуқа, кимё ва қишлоқ хўжалиги) бакалаврият таълим йўналиши ва 5А321001 – Озик-овқат

маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси (солод, пиво ва алкогольсиз ичимликлар) ҳамда 5A321003 – Озиқ-овқат хавфсизлиги магистратура мутахассислиги бўйича фан дастур(силлабус)ларини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: Т.Сафаров – Тошкент кимё-технология институти ўқув ишлари бўйича проректори.

17. Ўзбекистон Миллий университетининг хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилган икки томонлама диплом бериладиган (double degree) қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режаларини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: Ш.Тошматов – Ўзбекистон Миллий университетининг ўқув ишлари бўйича проректори.

18. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ўқув-услубий бирлашма ва комиссиялари томонидан ижобий хулоса берилган олий таълим муассасаларининг ўқув режаларидаги асосий ҳамда танлов ва қўшимча фанлардан яратилган ўқув адабиётлари (ўқув ва ёрдамчи ўқув адабиётлари)ни нашр этишга тавсия этиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,

Маърузачи: М.Акбаров – Замонавий ўқув ва услубий адабиётлар яратишни ташкил этиш бўлими бошлиғи,  
Т.Аллаёров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи

19. Бухоро муҳандислик-технология институтининг хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилган икки томонлама диплом бериладиган (double degree) қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар

тайёрлаш йўлга қўйилган бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режасини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: Ш.Ходжиев – Бухоро муҳандислик технология институтининг ўқув ишлари бўйича проректори.

20. Қўкон университети профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган 5210203-Психология (амалий психология), 5330500 - Компьютер инжиниринги бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режа ва фан дастур(силлабус)ларини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: Ш.Мустафакулов – Қўкон университети ректори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Самарқанд ветеринария медицинаси институтини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3703-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини изчил амалга ошириш, хорижий давлатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари билан тенг кучли ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, узвий алоқаларни янада ривожлантириш, чет эл фуқароларини ўқишга жалб этиш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинувини таъминлаш ҳамда халқаро эпизоотик бюро (ХЭБ) талабини қаноатлантириш учун “5440100 - Ветеринария медицинаси” таълим йўналишининг ўқиш муддатини 5 йил этиб белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган 440100 - Ветеринария таълим соҳасининг давлат таълим стандарти, 5440100 - Ветеринария медицинаси бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талабларини тасдиқлашга ва ўқув режасини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: А.Элмуродов – Самарқанд ветеринария медицинаси институти ўқув ишлари бўйича проректори.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 4391 - сонли қарорига

мувофиқ Андижон давлат университетининг хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилган икки томонлама диплом бериладиган (double degree) қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликларининг малака талабларини тасдиқлашга, ўқув режалари ва фан дастурларини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: Р.В.Муллажонов – Андижон давлат университети ўқув ишлари бўйича проректори.

23. Махфий.

#### **24. Турли масалалар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 4623 - сон қарорининг 10 - бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ташкил этилган Ишчи гуруҳлар томонидан “Педагогика” таълим соҳаси таркибидаги бакалаврият таълим йўналишлари бўйича қўшимча квалификация беришни назарда тутган ҳолда қайта ишлаб чиқилган малака талабларини тасдиқлашга, ўқув режалари ва фан дастурларини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи,  
А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Маърузачи: Н.Х.Раҳмонқулова – Тошкент давлат педагогика университетининг ўқув ишлари бўйича проректори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон Фармони билан тасдиқланган “2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2020-2022 йилларда амалга ошириш дастури”нинг 12-бандида белгиланган вазифа ижросини таъминлаш мақсадида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг замонавий методикасига асосланган “Ўзбек тили” фан дастурини келишувга киритиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
О.Жамолиддинова – ОЎМТВ маслаҳатчи, Ишчи гуруҳ раҳбари,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи.

Маърузачи: М.Акбаров – ОЎМТВнинг Замонавий ўқув ва услубий адабиётлар яратишни ташкил этиш бўлими бошлиғи,  
Б.Кулматов – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг ўқув ишлари бўйича проректори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ - 6079 - сонли Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Олий таълим муассасалари масофавий таълим платформасида ўқитиш жараёнини ташкил қилиш ва таълим сифатини назорат қилиш Тартиби” ни келишувдан ўтказиш тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори,  
С.Ниязбеков – ОЎМТВнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси бошлиғи.

Маърузачи: М.Тожиев – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 8 октябрдаги 523-сон буйруғининг 4-иловаси билан тасдиқланган йўл харитасининг 3-бандида белгиланган вазифалар юзасидан рақамли кўникмаларга бўлган талабларни ҳисобга олган ҳолда таълим тизими бўйича ишлаб чиқилган профессионал стандартларини қайта кўриб чиқилганлиги тўғрисида.

Масъул: З.Хакимов – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори.

Маърузачи: А.Умаров – Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи.

Раислик қилувчи У.Бегимкулов кун тартибидаги масалаларни овозга қўйди. Кун тартиби Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари томонидан бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ўқув ишлари бўйича проректори Ш.Садуллаева сўзга чиқиб, университет профессор-ўқитувчилари томонидан бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича замонавий талаблар ва стандартларга жавоб берадиган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда Олий таълимни ривожлантириш

тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказида ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказилиб маъқулланган 16 та фан дастур(силлабус)ларини келишувга киритиш тўғрисида маълумот берди.

Мазкур масала атрофлича муҳокама қилиниб, Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари томонидан маъқулланди ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети профессор-ўқитувчилари томонидан бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ишлаб чиқилган 16 та фан дастур(силлабус)лари келишувга киритиш тавсия этилди.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** бўйича Тошкент давлат аграр университетининг ўқув ишлари бўйича проректори С.Исломовнинг ахбороти тингланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 13 ноябрдаги 591-сонли буйруғи 3-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университети профессор-ўқитувчилари томонидан бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган фан дастурлари Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказида ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказилганлиги тўғрисида маълумот бериб, фан дастурларини келишувга киритиш тўғрисида таклиф берди.

Мазкур масала атрофлича муҳокама қилиниб, Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари томонидан маъқулланди ҳамда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган фан дастурларини келишувга киритиш тавсия этилди.

Кун тартибидаги **учинчи масала** бўйича Қуролли Кучлар академияси бошлиғи Ш.Мамажонов Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбариятининг 2021 йил 24 мартдаги 1122м-сонли топшириғига мувофиқ Қуролли кучлар академияси бакалаврият таълим йўналишларининг “Диншунослик” ва “Диний ақидапарастлик, экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари” фан дастурлари академия профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилганлиги, ушбу дастурлар Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказида ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказилганлиги тўғрисида маълумот бериб, фан дастурларини келишувга киритиш тўғрисида таклиф берди.

Мазкур масала атрофлича муҳокама қилиниб, Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари томонидан маъқулланди ҳамда Қуролли Кучлар академияси бакалаврият таълим йўналишларининг “Диншунослик” ва “Диний ақидапарастлик, экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари” фан дастурлари келишувга киритиш учун тавсия этилди.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** бўйича Самарқанд ветеринария медицинаси институти ўқув ишлари бўйича проректори А.Элмуродов институт профессор - ўқитувчилари томонидан халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда 5320500-Биотехнология (ветеринария, чорвачилик, доривор ва озуқабоп ўсимликлар) бакалаврият таълим йўналиши ва 5А411401-Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашнинг анъанавий

ва инновацион технологияси ва сертификацияси магистратура мутахассислиги бўйича ўқув режалари ва фан дастур(силлабус)ларининг ишлаб чиқилганлиги ҳамда Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказида ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказилиб, маъқулланганлиги тўғрисида маълумот берди.

Мазкур масала атрофлича муҳокама қилиниб, Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари томонидан маъқулланди ҳамда ўқув режалари ва фан дастур (силлабус)ларини келишувга киритиш тавсия этилди.

Кун тартибидаги **бешинчи масала** бўйича Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг ўқув ишлари бўйича проректори Б.Кулматов сўзга чиқиб, университетда кўшма таълим дастурлари асосида Россия Федерацияси Москва давлат лингвистика ва Адигей давлат университетлари билан ҳамкорларликда кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган “5120100-Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили”, “45.03.02-Лингвистика”, “5111400-Чет тили ва адабиёти”, “5111300-Она тили ва адабиёти: рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда”, “5112500-Рус тили хорижий тил сифатида”, “5330200- Информатика ва ахборот технологиялари (компьютер лингвистикаси)”, “09.03.01-Информатика ва ҳисоблаш техникаси. Ахборотни қайта ишлаш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари” бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаларининг ишлаб чиқилганлиги ҳамда Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказида ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказилиб, маъқулланганлиги тўғрисида маълумот бериб, уларни келишувдан ўтказиб бериш тўғрисида таклиф берди.

Мазкур масала атрофлича муҳокама қилиниб, Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари томонидан маъқулланди, ўқув режалари келишувга киритиш тавсия этилди.

Кун тартибидаги **олтинчи масала** бўйича Навоий давлат кончилик институтининг ўқув ишлари бўйича проректори Н.Абдуазизов сўзга чиқиб, институтда кўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг фан дастурлари хорижий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорларликда ишлаб чиқилганлиги ҳамда Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказида ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказилиб, маъқулланганлиги тўғрисида маълумот бериб, фан дастурларини келишувдан ўтказиб бериш тўғрисида таклиф берди.

Мазкур масала атрофлича муҳокама қилиниб, Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари томонидан маъқулланди, фан дастурлари келишувга киритиш тавсия этилди.

Кун тартибидаги **еттинчи масала** бўйича Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректорлари сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини



такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3-сон қарорининг 6-бандида белгиланган “Педагогика ва молия иқтисод соҳаларидаги олий таълим муассасаларида бакалаврият таълим йўналиши бўйича ўқув режа ва фан дастурларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида иш юритишни ташкил этиш” вазифаси ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институти профессор-ўқитувчилари томонидан таълим йўналишлари бўйича ўқув режалари ва фан дастурларининг қайта ишлаб чиқилганлиги, Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказида ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказилиб маъқулланганлиги ҳамда уларни ўрнатилган тартибда келишувдан ўтказиб бериш тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Мазкур масала атрофлича муҳокама қилиниб, Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари томонидан маъқулланди ва Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институти профессор-ўқитувчилари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида иш юритишни ташкил этишни ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишлари бўйича қайта ишлаб чиқилган ўқув режалари ва фан дастурлари келишувга киритиш тавсия этилди.

Кун тартибидаги **саккизинчи масала** бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғининг биринчи ўринбосари М.З.Зиядиллаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сонли қарорининг 9-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси томонидан “Олий ихтисослаштирилган таълим муассасаси тўғрисидаги Низом” ишлаб чиқилганлиги ҳамда мазкур Низомни келишувга киритиш тўғрисида маълумот берди.

Мазкур масала атрофлича муҳокама қилиниб, Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари томонидан маъқулланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси томонидан ишлаб чиқилган “Олий ихтисослаштирилган таълим муассасаси тўғрисидаги Низом” ўрнатилган тартибда келишувга киритиш тавсия этилди.

